

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>А. Акбаров</b> Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
<b>Г. Орипова</b> Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
<b>О. Барзиев</b> Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
<b>Д. Турдалиев</b> Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
<b>Ю. Каримова</b> “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
<b>Д. Муратова</b> XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А. Мамажонов, А. Саминов</b> Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
<b>М. Мамажонов</b> Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
<b>Р. Ахророва</b> Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
<b>Х. Қодирова</b> Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
<b>Ҳ. Дўсматов</b> Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
<b>Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева</b> Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
<b>Т. Яндашова</b> Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
<b>Г. Тожиева</b> Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
<b>З. Раджабова</b> Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов</b> Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
<b>М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова</b> Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
<b>С. Умаров</b> Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
<b>С. Аъзамов</b> Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА “EAR-ҚУЛОҚ” СЕМАСИГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ С СЕМОЙ «EAR-УХО» В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

## SEMANTIC FEATURES OF THE WORDS RELATED TO THE SEME "EAR-QULOQ" IN ENGLISH

Шокиров Шерали Иброхимович <sup>1</sup>, Қозоқбоева Дилфуза<sup>2</sup><sup>1</sup>Шокиров Шерали Иброхимович

– Андижон давлат университети, факультетлараро чет тиллар кафедраси мудири, ф.ф.ф.д.

<sup>2</sup>Қозоқбоева Дилфуза

– факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақола инглиз тилида “ear-қулоқ” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

**Аннотация**

Статья посвящена анализу семантических особенностей слов с семой «ear-ухо» в английском языке, что объясняет роль таких лексем в английском языке в передаче информации и их стилистические особенности.

**Annotation**

The article is devoted to the analysis of the semantic features of words with the seme of "ear-quloq" in the English language, which explains the role of such lexemes in the English language in information transfer and their stylistic features.

**Таянч сўз ва иборалар:** антропоним, соматизм, дуалистик, концепт, линотип, модель, тутама, нейтрал.

**Ключевые слова и выражения:** антропоним, соматизм, дуалистический, концепт, линотип модель, примыкание, прядка, нейтральный.

**Key words and expressions:** anthroponym, somatism, dualistic, concept, linotype, model, contiguity, neutral.

Сезги органлари ичида қулоқ энг муҳим вазифалардан бири – эшитиш вазифасини бажаради. У инсонга атроф муҳитни тинглаш, тушуниш, ташқи оламни туйиш ва унда ўз ўрнини топиб юриш имконини беради. Бундан ташқари, қулоқ инсон танасининг жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва эшитиш хусусиятига эга бўлган ташқи аъзоси сифатида намоён бўлади. Таниқли рус тилшуноси С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларни такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади” [2,471].

Оламни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни эшитиш орқали таниши (тушуниш ва ҳис

қилиш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчаларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропонимик йўналишда амалга ошади. Бунда “соматизм”лар – инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этади.

Инглиз тилидаги “ear” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати” (Webster’s third

new international dictionary of the English Language”, Kōnemann, 1993, P. 713) да от сўз туркумига кирувчи “ear” сўзи қадимги инглиз тилида “eare”, Ўрта асрлар инглиз тилида “ora”, қадимги юқори немис тилида “euga”, лотин тилидаги “auris”, грек тилидаги “ous” (two ears), санскрит тилида “ausis” сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси “an organ of hearing” (эшитиш аъзоси) эканлиги ёзилган [5. P. 713]: “Ear” сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуйидагича аниқладик:

(1) а) умуртқали сутэмизувчи ҳайвонларда эшитиш ёки мувозанатни ушлаб турувчи ташқарига бўртиб чиққан чандир. б) атроф-муҳитдаги содир бўлаётган ҳаракатланишни эшитиш, пайқаш учун диққатини жалб қилмоқ;

(2) инсон ва аксарият сутэмизувчиларнинг ташқи қулоғи;

(3) а) эшитиш ҳисси ёки ҳаракати; б) эшитиш туйғусининг нозиклиги ёки кескинлиги (баландлиги яхши); с) эшитиш орқали ёдида сақлаб қолиб, оғзаки тассавур қилиш шу билан бирга кўпайтириш қобилияти.

(4) қулоқнинг шакли ёки қулоғига ўхшаган нарса каби; а) лойиҳалаштирувчи қисм (қулоқчин, пластинка, тутқич) ўхшаш бўлган объект; кўтариш, ташиш, сошлаш ёки ўрнатишга мос келадиган қисмларнинг жуфтликларидан бири (кружканинг тутқичи, қозоннинг тутқичи (қулоғи), барабан симини маҳкамлаш учун терининг тортилиши); б) (1) ҳайвонлар танасидаги жараён: AURICLE (касаллик), (2) баъзи қушлар бошларининг икки томонидаги туклари, (3) баъзи қушларнинг қулоқ очилиши билан боғлиқ бўлган патлари тутамаси; в) CROSSETTE (бўртиб, кўндаланг) чиққан бурам; г) шакл берилган стул ёрлиғи; д) ускуна (бурама сим шакли); е) босма ҳарфлар мосламаси (ўнг қўл мосламаси каби); ё) ёзув машинасининг бураб ишга туширувчи қисми; ж) линотип (нилониумни ишлаб чиқарувчи мослама) қолипнинг энг юқори четдаги иккита ҳуқуқли мосламасининг бири; ж) газетанинг четларидаги маслаҳат бурчагидаги қутиси;

(5) а) эшитиш, тингловчи; раҳмдил ва эътибор бериш (I seek the merciful ear of our Lord); б) хабардорлик, эътибор (when her kindness came to the ear of her enemies, they were bowed with shame);

(6) Камоннинг қаттиқ қарама-қарши томони.

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини қўшиш мумкин. А.С.Хорнбининг 2000 йилда чоп этилган “OXFORD ADVANCED LEARNER,” S DICTIONARY OF CURRENT ENGLISH” луғатида берилишича, яна шундай маъноларни кузатишимиз мумкин [4: P. 395]:

• бирор одамга маслаҳат бера олиш, уларга таъсир қилиш ва ҳ.к. *He had the ear of the monarch;*

• энг сўнгги воқеалар тўғрисида доимо билиб туришга ишонч ҳосил қилиш;

• бирор воқеа ҳақида одамлар билиб бўлгандан сўнг эшитади. *News of his affair eventually reached her ears;*

• эътибор бермаслик (*эшитмаслик, бепарволик, совуққонлик*).

Бундан ташқари, “ear” инъикосидаги ҳақиқатнинг иккита салбий таърифи жуда фойдали ва нейтрал: *товушсиз қулоғи, сокин кеча, майин шаббод, пинҳона урушлар*. Бироқ, улар ижобий эквивалентларининг маъноси; *шовқинли, шов-шувли, шунчаки “акустик”дан камроқ* каби таърифлаш мумкин. Бу эса инсон сезгисининг қоришиқ характерда эканидан далолат беради.

Юқорида зикр этилган таърифларнинг биринчисида қулоқ инсоният ҳаётидаги энг муҳим органларидан бири сифатида характерланса, иккинчи таърифда эса қулоқ ёрдамида аниқланувчи нарса ёки предмет каби ёрдамчи компонентларни ҳам қўшапти.

Кўпинча сўзловчининг диққат марказида қулоқнинг қуйидаги вазибаларини ҳам аниқладик:

• борлиқни тинглаш; *appreciation, attention, auricle, consideration, discrimination, hearing, heed, lug, notice, regard;*

• товушни идрок этиш; *Be all ears, give ear, attend, be attentive, hark, hearken, heed, incline;*

• товушларнинг хилма-хиллиги; *Shout, bawl, call, cry, holler, roar, scream, shriek, whoop, yell, clamor, cry out, exclaim, halloo, uproar, vociferate;*

• товушларга ажратиш; *the voice of humanity, the sounds of animals and birds, natural phenomena and sounds of objects;*

• тиббий ускуналар иштироки; *phonendoscope, headphones (hearing aid for heart and lung movements).*

## ТИЛШУНОСЛИК

Қолган ҳолларда ушбу аъзо бажарадиган вазифаларга эътибор қилинади: *pinna, lobe, tympanic, membrane, incus, malleus, tympanum, stapes, vestibule, cochlea, semicircular canals, auditory nerve, eustachian tube, auditory meatus*.

Бундан ташқари, “қулоқ” семантикасининг қуйидаги кўчма маъноларини ҳам кузатдик.

• **EAR-** шудгорлаш ёки ҳайдаш: **CULTIVATE**;

• **EAR-** буғдой каби донли ўсимликлар юқори қисмининг уруғларни ўз ичига олган (*дон ёки меваси ёнидаги*) *пояси* (*Plump golden ears of wheat rustling in the breeze*);

• **EAR-** ўсиш учун қулоқ очиш (*This corn ears well*) – кўпинча **up** билан ишлатилади (*the eye should soon be earing up*);

• **EAR-** тингловчи (*шахс, нарсаларга*);

• **EAR-** йиллар рақамини териш.

• бирор нарсани тезда унутиш: **go in one ear and out the other or in at one ear and out at the other**. *For example; Everything I tell them just goes in one ear and out the other*;

• кимгадир таъсир ўтказиш, ёки маслаҳат бериш ва ҳ.к: **have sb's ear/have the ear of sb**. *For example; He had the ear of the monarch*.

Бундай ҳолларда қулоқ инсонга соматик орган сифатидагина эмас, балки инсонга ташқи оламни тўлақонли тарзда тинглаб, билиб олишида ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажаряпти.

Қўлнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

“Ear” семасига эга бўлган лексемалар **to play it by, to play (sth) by** каби феъллар билан кўчма маънода қўлланилиб, “қулоқ” –“вазиятни ижобий ҳал қилиш” -иккинчи маъноси; “**муסיқани ўқиб кўришдан кўра, эшитиб ижро этиш**”- каби метафорик моделлар ҳосил қилади. *For example; I don't know what they'll want when they arrive—we'll have to play it by ear*;

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: **Give your ears to words but do not give your words to ears, You have two ears, but you never hear words twice**; – (*Бир сўз икки қулоққа кифоя*); (*Сўзни қулоққа берманг, қулоқни сўзга беринг*)– мақолида эса “қулоққа – сўзга” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “ear” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички

ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажаряпти.

Қулоқнинг икки хил (дуалистик) характери киши диққатини ўзига тортади. Биринчиси, инсоннинг эшитувчи, тингловчи, тинглаб тушунувчи “*энг яқин ва ишончли ёрдамчи*” аъзоси сифатида намоён бўлса, иккинчиси, “*предметлик*” ва “*муқим (ўзгармас)лик*”, белги (кўрсаткич) сифатида намоён бўлади.

Инсон бир томондан қулоғи билан эшитиб, фикрлаб, тушуниб, ўз ҳаётидаги ўрнига эга бўлса, иккинчи бир ҳолатига қараб унинг ҳаёт тарзини, қандай тажрибалар эгаси бўлганлигини тушуниш мумкин.


Инсон бошидан кечираётган ҳурмат, ёвузлик, бахт, саодат, хафалик, қизиқувчанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб туйғу элементларини ифодалашда қулоқнинг роли каттадир. М.:“*I bumped into your ex-wife last night, I thought I could feel my ears burning*”. [10]; “*You need a good ear to master the piano*” [9]; “*Everything you say to him goes in one ear and out the other*” [9].

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “қулоқ – инсон (танаси)” типидagi метонимик моделларда ҳам қўлланилади. “*кимнидир нима дейишини қизиқиш билан кутиб туриш* – to be all ears; М.:“*Do you know what he said?*” “*Go on-I'm all ears*”. “*Tom doesn't do that, it's not good for all ears*.” [10].

“Ear-қулоқ” сўзи яқка ҳолда ва сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар таркибида турли, тўғри ва кўчма маъноларни ифода этиб келиши мумкин. Таҳлиллар уларнинг бир қисми таржима тилида мос эквивалентларга эга бўлса, баъзилари мос бирликларга эга эмаслигини кўрсатди. Масалан: *earache(n)* – қулоқ оғриғи, *earage(n)* – қулоқ(бошни тепасида жойлашган), *ear bunger(n)*–сухбат(нуфузли одам билан), *earbash(v)* – маъруза, *earbob(n)* – эшитиш, *ear-brisk(adj)* – илгак, *ear canker(n)* – канкер(қулоқ қасали), *earclip(n)* – қисқич сирға, *earcockle(n)* – касаллик (қулоққа жойлашиб сапро кўзғатувчи касаллик), *ear conch(n)* – тиббий атама (қулоқ ичидаги), *ear covert(n)* – тиббий атама (қулоқ ичидаги яширин қулоқ), *ear crystal(n)* – сувенер (otolit), *ear defender(n)* – эшитиш мосламаси, *eardrop(n)* – дори, *eardroper(n)* – дори қуювчи мослама, *eardrop tree(n)* – тиббий атама (қулоқ томур), *eardrum(n)* –

тиббий атама (қулоқ пардаси), ear dust(n) эйрфловвер (тақинчоқ), earfly(n) – quloqchin, – тиббий атама(otoconia), eared grebe(n) – ear-ful(n) – миш-миш, ear fungus(n) – белги(Африка халқларида қулоғига тиқиб олган белгиси), ear pheasant(n)- қирғовул, қўзиқорин, earhead(n) – бошоқ (донни қулоғи), earhole(n)қулоқ тешиги, earjewel(n) – марварид, ва ҳоказо. eared seal(n) – денгиз мушуги, earflap(n) – иссиқ мослама, earflower(n)-муқаддас

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, қулоқ семантикасининг асосий ҳолатини ифодаловчи тил омиллари когнитив жараёни босқичларини чизма асосида ифодалашга ҳаракат қиламиз.



Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, қулоқ инсон танасидаги фақат тингловчи, эшитувчи, организмгина эмас, балки, у ўз шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг ички дунёси, ҳис-туйғуларини эшитиш орқали ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири. У лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. Славянской культуры, 2001. 864 с.
3. Ўзбек тилининг ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ. А.Мадвалиев. 5 том. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашрети Тошкент – 2020. 402-407 бетлар.
4. Hornby A.S.OXFORD Advanced Learner,s dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -581-582-583.
5. Webster’s third international dictionary of the English language. Könemann.1993.
6. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II- жилд, Т., 2006. 612-616 бетлар.
7. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони).- филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
8. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т. Маънавият. 2004.
9. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - М.: Изд-во лит. на иностр.яз, 1961. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. – М.: Менеджер, 2000.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))